

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 30 » январь 2020 у.

№ 53

Toshkent sh.

**Дехқон хўжаликлари ва аҳоли томорқалари ер участкаларидан
янада самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида серҳосил ва юқори даромад берадиган қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, моддий-техник ресурсларни тизимли етказиб бериш орқали ички истеъмол ва экспорт учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда қишлоқ аҳолисининг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларининг таклифларини инобатга олиб, қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2020 йилда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида баҳорги (эртаки) қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2020 йилда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида баҳорги (эртаки) экинлардан етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2020 йилда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида такрорий (ўртаки) қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2020 йилда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида такрорий (ўртаки) экинлардан етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг прогноз кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2020 йилда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализация қилишнинг прогноз кўрсаткичлари 5-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2020 йилда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун талаб этиладиган уруғлик, минерал ўғит ва ёқилғи-мойлаш материаллари ҳажмлари ва маблағлар ҳисоб-китоби 6-иловага мувофиқ;

2020 йилда ҳар бир деҳқон хўжалигида ва томорқа ер участкасида юқори даромад берадиган экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, моддий-техник ресурсларни етказиб бериш ва етиштирилган маҳсулотларни сотиб олишни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури 7-иловага мувофиқ;

“Томорқа хизмати” масъулияти чекланган жамиятларининг реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқалари ер участкаларида 2020 йил ҳосили учун тўқсонбости усулида, экиладиган баҳорги ва такрорий қишлоқ хўжалиги экинларини мавсум давомида ажратилган сув лимитлари доирасида сувга бўлган талабидан келиб чиқиб, ўз вақтида сув билан тўлиқ таъминласин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари – туман секторлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида, туман ҳокимлари – деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кесимида ҳар бир ҳудуднинг ихтисослашуви, тупроқ-иклим шароити, сув таъминотини инобатга олган ҳолда, “бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва маҳсулот етиштириш прогноз кўрсаткичларини ўн кун муддатда тасдиқласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши:

ташқи бозор талаблари асосида маҳаллаларнинг экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилишни;

“Томорқа хизмати” МЧЖларга маҳаллаларни бириктирган ҳолда улар томондан деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига шартнома асосида уруғлар, кўчатлар ва бошқа зарур моддий ресурсларни белгиланган тартибда етказиб берилишини;

деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини “Томорқа хизмати” МЧЖлар томонидан белгиланган тартибда сотиб олиш ва уларнинг экспорт қилинишини ташкил этсин.

5. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан фермер ва деҳқон хўжалиқларига, томорқа ер эгаларига ва “Томорқа хизмати” МЧЖларига қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ҳамда сугориш қудуқлари қазилари ишлари учун маблағ ажратиш таклифи 9-иловага мувофиқ маъқулласин.

6. Қуйидагилар:

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари – ушбу қарорга 1 ва 3-иловаларга мувофиқ деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги экинлари тўлиқ экилиши учун масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари – 2020 йилда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ушбу қарорга 5-иловага мувофиқ реализация қилишда, хусусан, экспорт қилишда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига амалий ёрдам кўрсатсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда 2020 йил ҳосили учун баҳорги (эртаки) ва такрорий (ўртаки) экинлар экилиши даврида деҳқон хўжаликлари ерларидан фойдаланиш ҳолатининг учувчисиз учиш аппаратлари (дронлар) орқали танланма мониторингини ташкил этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўқитиш марказларида, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги “Томорқа ер участкаларини ривожлантириш илмий-амалий маркази” ҳамда бошқа ихтисослаштирилган касбга ўқитиш муассасаларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашни давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан касб-хунарга тайёрлаш, агротехнология, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ҳамда асаричилик соҳасида қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш

агентлиги икки ой муддатда деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ерларини ривожлантириш асосида қишлоқ аҳолисининг даромадларини ошириш учун Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан Жаҳон банки ҳамда бошқа халқаро молия институтларининг кредитлари, заёмлари ва грантларини жалб этиш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши билан биргаликда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишнинг илғор тажрибалари ва иқтисодий самарадорлигини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси А.А. Хаитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А.Арипов

**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2020 йилда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида баҳорги
(эртаки) қишлоқ хўжалиғи экинларини жойлаштириш
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

(гектар)

Т/Р	Худудлар номи	Деҳқон хўжалик-лари ва томорқа ер эгалари сони	Жами экин майдони	Шундан:			Шу жумладан:														
				2020 йил хосили учун август-сентябрь-пиёз ва саримсоқ пиёз экинлари	Эртаки экинлади-ган майдон	Жами сабзаот	шундан:														
							помидор	бодрийг	пиёз	саримсоқ-пиёз	сабзи	қарам	гул қарам	брокколи	опл. лоптағи	булғор қалампир	аччиқ қалампир	бақлажон	хўқаллар	салат руққола ва айбери	редиска
а	б	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
1	Қорақалпоғистон Республикаси	273 802	31 218,4	3 799,8	27 418,6	14 257,8	3 992,3	1 425,8	1 140,6	99,8	998,1	1 140,6			114,1	1 283,2	1 211,9	1 069,3	1 069,3		712,8
2	Андижон	477 374	24 540,0	12 999,9	11 540,1	6 000,6	720,0	600,1	480,1	42,0	420,0	480,1	90,0	24,0	48,0	540,1	510,1	450,0	900,1	300,0	396,0
3	Бухоро	287 542	39 479,7	4 800,0	34 679,7	16 099,7	6 000,0	1 000,0	2 500,0		2 000,0	1 000,0	300,0	300,0	100,0	500,0	200,0	200,0	1 799,9	99,9	99,9
4	Жиззах	178 609	20 281,8	2 600,0	17 681,8	10 324,4	3 119,7	1 448,4	1 431,6	124,3	1 243,0	744,3	102,3	113,3	131,6	176,4	140,7	152,6	1 135,7	111,5	149,0
5	Қашқадарё	462 606	55 964,0	10 800,0	45 164,0	13 335,0	1 990,0	1 865,0	1 230,0	715,0	2 140,0	665,0	40,0		355,0	710,0	535,0	650,0	1 580,0		860,0
6	Навоний	136 237	11 529,1	7 000,3	4 528,8	2 501,3	578,4	514,5	354,7		357,8	73,5	26,9		47,4	64,1	40,5	55,4	330,8		57,3
7	Наманган	372 365	19 896,3	9 000,1	10 896,2	7 082,3	918,8	794,5	577,2	374,4	439,0	506,5	80,9	156,5	295,7	767,6	466,4	224,9	1 068,9	157,4	253,6
8	Самарқанд	538 540	61 838,6	15 000,0	46 838,6	24 356,3	3 385,6	2 435,6	2 119,0		1 778,0	1 948,5			121,7	2 192,1	2 070,3	1 826,7	4 871,3		1 607,5
9	Сурхондарё	406 582	48 938,9	22 500,0	26 438,9	14 142,1	5 996,3	1 113,6	2 905,2		1 068,0	708,0	212,0	97,0	384,0	201,0	109,0	152,0	1 000,0	54,0	142,0
10	Сирдарё	117 428	12 748,8	3 800,0	8 948,8	4 654,3	558,5	465,4	372,3		358,4	372,3	69,7	18,6	37,2	419,2	395,6	349,0	698,2	232,7	307,2
11	Тошкент	451 926	27 966,8	11 934,9	16 031,9	9 494,5	1 528,6	1 208,2	1 080,4	476,7	978,2	768,2	200,3	23,4	87,1	863,7	275,9	633,4	781,8	126,8	461,8
12	Фарғона	584 264	41 037,5	17 999,6	23 037,9	16 060,0	1 927,2	1 606,0	1 284,8	112,4	1 124,2	1 284,8	240,9	64,2	128,4	1 445,4	1 365,1	1 204,5	2 409,1	803,0	1 060,0
13	Хоразм	261 652	36 558,5	2 599,9	33 958,6	10 730,9	1 695,0	1 780,0	1 858,0		1 136,0	708,0	56,0		429,0	345,0	256,0	321,9	1 609,6	214,5	321,9
Жами:		4 548 927	431 998,4	124 834,5	307 163,9	149 039,2	32 410,4	16 257,1	17 333,9	1 944,6	14 040,7	10 399,8	1 419,0	797,0	2 279,2	9 507,8	7 576,5	7 289,7	19 254,7	2 099,8	6 429,0

давоми

(гектар)

Т/Р	Худудлар номи	Шу жумладан:																
		Жами полиз	шундан:			Картошка	Дуққакли экинлар	шундан:					Мойли экинлар	шундан:			Шоли	Бошқа экинлар
			ковун	тарвуз	қонок			мош	ловия	нўхот	еренгок	фасол		соя	кунтабоқар	кунжут		
а	б	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	35	36	37
1	Қорақалпоғистон Республикаси	3 015,9	452,3	7,6	2 556,0	4 387,0	1 919,2	767,7	1 151,5				685,4		239,9	445,5	137	3 016
2	Андижон	1 269,4	190,4	152,3	926,7	2 770,0	807,7	169,6	315,0	96,9		226,2						692
3	Бухоро	999,9	649,9	250,0	100,0	4 000,0	2 000,0	435,0	710,0	650,0	5,0	200,0	100,0	20,0	50,0	30,0		11 480
4	Жиззах	1 405,7	379,5	463,9	562,3	2 487,0	2 354,1	50,8	727,9	1 193,5	21,3	360,6						1 111
5	Қашқадарё	7 620,0	1 300,0	3 910,0	2 410,0	3 550,0	6 285,0	800,0	800,0	3 525,0	485,0	675,0	1 620,0		1 395,0	225,0		12 754
6	Навоий	518,4	215,3	231,8	71,3	833,0	369,1	163,6	183,7	21,8								307
7	Наманган	114,0	30,5	38,0	45,5	2 956,0	102,0	53,0	29,0	8,0	12,0		4,0		4,0		12	626
8	Самарқанд	3 747,1	508,7	406,9	2 831,5	8 899,0	1 278,6	491,8	1 147,5	622,9		1 016,4						6 558
9	Сурхондарё	2 925,7	1 704,5	486,1	735,1	4 230,0	1 850,8		637,0	587,8	501,0	125,0	381,9		272,0	109,9		2 908
10	Сирдарё	984,0	147,6	118,1	718,3	1 432,0	625,4		337,4	75,0	37,6	175,4	223,8	6,7	181,3	35,8		1 029
11	Тошкент	706,0	189,0	371,5	145,5	3 024,0	1 064,7	141,4	247,3	339,2	84,8	262,1	30,5		30,5			1 712
12	Фарғона	481,4	72,2	57,7	351,5	3 686,0	1 322,3	241,9	628,9			451,5	483,7	17,2	466,5			1 005
13	Хоразм	1 767,7	477,3	583,3	707,1	3 015,0	566,4	268,2	298,2				19,8		19,8			17 859
Жами:		25 555,2	6 317,2	7 077,2	12 160,8	45 269,0	22 545,3	3 582,9	7 203,4	7 120,1	1 146,7	3 492,2	3 549,1	43,9	2 659,0	846,2	149	61 057

**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2020 йилда деҳқон хўжаликлари ва томорка ер участкаларида
баҳорги (эртаки) экинлардан етиштириладиган кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг прогноз
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

тонна

Т/Р	Худудлар номи	Жами етиштириладиган ялли ҳосил	Шундан:																	
			Тўқсон-бости сабзавот экинлари-дан	Эртаки экинлар-дан	шу жумладан:															
					Жами сабзавот	шундан:														
						помидор	бодрийғ	пиёз	саримсоқ-пиёз	сабзи	карям	гул қарам	брюкколи	ош лавлаги	булғар қалампир	пичик қалампир	баклажон	кўкалар	салат руққола ва айбери	редиска
а	б	г	д	е	ж	з	и	к	л	м	н	о	п	қ	р	с	т	у	ф	
1	Қорақалпоғистон Республикаси	413 404	56 744	356 660	183 923	59 884	17 109	20 530	998	12 975	17 109			2 282	11 548	7 271	16 039	7 485		10 693
2	Андижон	399 759	177 060	222 699	115 192	17 465	14 124	11 902	630	9 858	11 304	1 806	457	1 090	12 338	6 121	10 439	7 201	2 310	8 147
3	Бухоро	605 337	83 082	522 255	295 697	120 000	18 000	60 000	0	36 000	22 000	6 600	4 500	1 800	6 000	2 000	3 200	12 600	799	1 598
4	Жиззах	334 365	44 037	290 328	191 813	62 394	26 072	38 655	1 367	22 378	17 120	1 842	1 813	3 685	2 117	1 689	2 442	6 814	892	2 533
5	Қашқадарё	884 989	206 337	678 652	241 045	49 750	37 300	30 750	7 150	42 800	13 300	800		7 455	8 520	5 350	9 750	12 640		15 480
6	Навоий	148 993	71 1124	77 869	44 069	11 569	9 261	8 512		6 440	1 618	484		949	769	405	887	2 315		860
7	Наманган	296 679	106 216	190 463	110 649	18 377	14 301	13 853	3 744	7 911	11 145	1 781	2 348	6 506	9 211	4 664	3 599	7 482	1 416	4 311
8	Самарқанд	1 147 834	216 689	931 145	461 924	94 797	51 149	57 214		46 229	48 713			2 557	35 074	20 703	45 669	34 099		25 720
9	Сурхондарё	905 408	353 983	551 425	345 904	167 896	17 818	81 347		24 564	18 408	3 816	1 843	8 832	2 412	1 308	3 496	10 500	540	3 124
10	Сирдарё	190 045	50 345	139 700	72 099	11 171	8 377	8 936		6 093	8 190	1 535	279	669	5 031	3 956	5 584	4 887	1 861	5 530
11	Тошкент	503 733	194 707	309 026	184 887	38 855	24 165	32 742	5 243	20 038	18 283	2 404	281	1 459	12 700	3 244	10 337	5 473	888	8 775
12	Фарғона	627 342	273 196	354 146	246 186	38 545	28 909	30 836	1 124	20 236	28 266	3 613	963	256	17 345	13 651	19 272	16 863	7 277	19 080
13	Хоразм	384 713	43 298	341 415	194 129	37 290	32 039	50 163		20 448	15 183	1 007		12 011	4 139	3 072	5 150	9 657	1 073	2 897
	Жами:	6 842 601	1 876 818	4 965 783	2 686 917	727 993	298 624	445 440	20 256	275 970	230 639	25 688	12 484	49 551	127 204	73 434	135 864	138 016	17 006	108 748

давоми

тонна

Т/Р	Худудлар номи	Шундан:																
		шу жумладан:																
		Жами полтв	шундан:			Картошка	Дуққакли экинлар	шундан:					Мойли экинлар	шундан:			Шоли	Бошка экинлар
			кўвун	тарвуз	ковок			моп	ловия	нўхол	срэнтоқ	фасол		сой	кўнлабоқар	кўнжуғ		
а	б	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	35	36
1	Қорақалпоғистон Республикаси	45 240	6 785	115	38 340	78 966	1 918	767	1 151				685		240	445	685	45 243
2	Андижон	24 753	3 274	2 839	18 640	65 589	1 921	403	750	230		538						15 244
3	Бухоро	20 499	12 999	5 500	2 000	88 000	3 675	870	1 420	975	10	400	185	50	75	60		114 799
4	Жиззах	25 669	6 832	9 278	9 559	57 206	4 514	98	1 404	2 303	41	688						11 106
5	Қашқадарё	167 640	28 600	86 020	53 020	85 200	10 807	1 600	1 600	5 287	970	1 350	1 781		1 534	247		172 179
6	Навоий	10 831	4 306	5 099	1 426	19 172	727	327	367	33								3 070
7	Наманган	2 356	610	836	910	70 944	200	106	58	12	24		6		6		48	6 260
8	Самарқанд	75 757	10 174	8 953	56 630	231 391	4 690	737	1 721	809	0	1 423						157 383
9	Сурхондарё	59 972	35 796	10 208	13 968	105 760	3 773		1 146	1 175	1 252	200	1 116		952	164		34 900
10	Сирдарё	19 927	2 954	2 598	14 375	35 807	1 213		676	112	75	350	361	17	272	72		10 293
11	Тошкент	15 533	4 158	8 174	3 201	75 621	2 027	254	427	610	212	524	137		137			30 821
12	Фарғона	9 745	1 444	1 271	7 030	84 784	2 643	483	1 257			903	743	43	700			10 045
13	Хорвзм	32 279	8 591	11 667	12 021	60 304	1 090	516	574				37		37			53 576
	Жами:	510 201	126 523	152 558	231 120	1 058 744	39 218	6 161	12 551	11 546	2 584	6 376	5 051	110	3 953	988	733	664 919

**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2020 йилда деҳқон хўжаликлари ва томорқа
ер участкаларида такрорий (ўртаки) қишлоқ хўжалиғи экинларини жойлаштириш
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Т/Р	Худудлар номи	Такрорий экиладиган майдон	Шу жумладан:													гектар		
			Жами сабзаёт	шундан:										Жами полиз	шундан:			
				помидор	болдинг	сабзи	карам	ош-лаклағи	бўлгор қалампир	аччиқ қалампир	бақлажон	кўкаллар	ковун		тарвуз	ковок		
а	б	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15		
1	Қорақалпоғистон Республикаси	11 539,8	3 462,0	519,3	415,4	311,6	207,7	138,5	311,6	380,8	207,7	969,4	1 038,5	124,6	114,2	799,7		
2	Анджон	18 737,4	6 932,6	1 317,3	1 039,9	623,9	415,9	277,3	623,9	554,6	415,9	1 663,9	936,8	796,3	140,5			
3	Бухоро	11 399,5	7 556,6	1 107,1	559,9	3 079,9	660,0	299,9	720,0	409,9	269,9	450,0	739,9	200,0	100,0	439,9		
4	Жиззах	8 508,3	4 382,0	610,9	604,9	793,7	528,3	201,9	160,1	127,7	480,2	874,3	118,5	32,0	39,1	47,4		
5	Қашқадарё	13 426,0	3 536,2	625,0	600,0	645,2	190,0	134,0	130,0	76,0	150,0	986,0	1 501,0	71,0	875,0	555,0		
6	Навоий	7 000,0	4 084,1	626,0	1 054,8	1 370,1	359,2		13,1		234,2	426,7	416,9	166,8	187,6	62,5		
7	Наманган	13 156,9	7 205,0	843,0	829,7	1 015,8	821,2	434,1	724,7	647,5	689,0	1 200,0	54,0	29,0	22,0	3,0		
8	Самарқанд	15 300,0	6 480,0	972,0	777,6	583,2	388,8	259,2	583,2	712,8	388,8	1 814,4	459,0			459,0		
9	Сурхондарё	19 300,7	10 545,6	751,7	601,3	2 634,1	2 721,8	200,5	450,9	551,1	300,7	2 333,5	1 503,3	180,3	165,4	1 157,6		
10	Сирдарё	7 356,8	2 044,0	331,9	265,7	29,9	132,8	88,5	199,1	243,4	132,8	619,9	664,0	79,6	73,0	511,4		
11	Тошкент	12 052,3	6 268,8	1 527,2	1 029,7	907,0	535,6	176,5	680,7	106,0	557,5	748,6	475,8	57,7	139,5	278,6		
12	Фарғона	28 680,3	10 004,8	1 500,7	1 200,6	900,4	600,3	400,2	900,4	1 100,5	600,3	2 801,4	2 401,1	288,1	264,1	1 848,9		
13	Хоразм	22 244,2	4 974,0	1 229,0	986,0	1 512,0	513,0				120,0	614,0						
	Жами:	188 702,2	77 475,7	11 961,1	9 965,5	14 406,8	8 074,6	2 610,6	5 497,7	4 910,3	4 547,0	15 502,1	10 308,8	2 025,4	2 120,4	6 163,0		

		Шу жумладан:													
Т/Р	Худудлар номи	Картошка	Дуккакли экинлар	шундан:					Мойли экинлар	шундан:			Шоли	Озука экинлар	Бошқа экинлар
				мош	ловия	нўхот	срёлгок	фасол		соя	кунгабокар	кунжут			
а	б	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1 384,8												1 384,8	4 269,7
2	Андижон	2 810,7	4 684,5	2 108,0	1 639,6			936,9	749,5		749,5			1 686,4	936,9
3	Бухоро	1 070,3	832,9	450,0	293,0	89,9			18,0	18,0				720,0	461,8
4	Жиззах	653,8	947,9	103,3	508,8		99,3	236,5						555,8	1 850,3
5	Қашқадарё	733,0	570,0	150,0	150,0	150,0	120,0		195,0		135,0	60,0		6 890,8	
6	Навоий	329,8	296,5	79,1	165,4	52,0								1 023,8	848,9
7	Наманган	1 902,8	2 030,0	1 134,0	696,0	22,0	178,0						1 048,0	524,1	393,0
8	Самарканд	1 323,0	4 284,0	1 413,7	1 542,3			1 328,0						1 224,0	1 530,0
9	Сурхондарё	807,0	3 500,5	841,9	1 496,6		420,9	741,1	605,8		534,5	71,3		1 503,4	835,1
10	Сирдарё	1 032,7	2 066,2	371,9	661,3	227,2	185,9	619,9	295,2	26,6	236,2	32,4		664,3	590,4
11	Тошкент	1 095,8	969,6	90,3	287,2	278,7	11,8	301,6						1 712,1	1 530,2
12	Фарғона	3 201,6	5 976,2	1 344,6	2 390,5			2 241,1	949,7	96,0	853,7			4 695,6	1 451,3
13	Хоразм		215,0	112,0	103,0								11 345,2	4 853,0	857,0
Жами:		16 345,3	26 373,3	8 198,8	9 933,7	819,8	1 015,9	6 405,1	2 813,2	140,6	2 508,9	163,7	12 393,2	27 438,1	15 554,6

гектар

**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2020 йилда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида такрорий
(ўртаки) экинлардан етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг прогноз
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

тонна

Т/Р	Худудлар номи	Такрорий экинлардан етиштирилган маҳсулот	Шу жумладан:													
			Жами сабзавот	шундан:										Жами полиз	шундан:	
				помидор	бодрийг	сабзи	карам	ош лав.таги	булғор калампир	аччиқ калампир	баклажон	кўкатлар	қовун		тарвуз	қовоқ
а	б	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
1	Қорақалпоғистон Республикаси	153 543	46 802	10 386	4 984	6 231	3 115	2 770	5 608	3 808	3 115	6 785	15 576	1 868	1 713	11 995
2	Андижон	267 203	123 467	28 286	21 563	12 886	8 626	5 557	12 514	10 604	8 456	14 975	15 552	12 742	2 810	
3	Бухоро	205 395	143 687	22 143	10 079	64 679	14 520	6 298	14 400	4 099	4 319	3 150	14 999	4 000	2 200	8 799
4	Жиззах	126 493	72 334	12 219	8 772	17 461	11 624	4 039	3 362	1 533	7 204	6 120	2 353	544	861	948
5	Қашқадарё	247 227	60 507	15 625	12 000	12 904	3 800	2 680	2 600	760	2 250	7 888	33 022	1 562	19 250	12 210
6	Навоиё	117 480	72 116	12 520	16 878	28 773	7 184		262		3 513	2 986	7 755	3 002	3 753	1 000
7	Наманган	183 282	120 409	16 860	14 934	20 316	18 066	9 116	15 218	6 475	11 024	8 400	1 124	580	484	60
8	Самарқанд	189 426	97 589	23 328	14 775	12 830	7 776	5 184	10 498	2 851	5 832	14 515	8 262			8 262
9	Сурхондарё	322 950	232 597	21 047	10 825	73 755	76 210	4 010	9 019	6 614	6 615	24 502	29 255	3 788	3 473	21 994
10	Сирдарё	88 866	28 321	6 639	4 252	654	2 656	1 771	3 584	2 434	1 992	4 339	13 635	1 434	1 460	10 741
11	Тошкент	219 790	123 041	38 182	20 594	18 141	13 391	3 707	13 614	1 060	8 363	5 989	9 517	1 154	2 790	5 573
12	Фарғона	363 630	146 369	31 515	19 209	18 909	12 006	8 004	17 108	11 005	9 004	19 609	52 248	5 762	5 810	40 676
13	Хоразм	174 034	54 124	12 290	9 860	22 680	5 130				480	3 684				
Жами:		2 659 319	1 321 363	251 040	168 725	310 219	184 104	53 136	107 787	51 243	72 167	122 942	203 298	36 436	44 604	122 258

давоми

тонна

Т/Р	Худудлар номи	Шу жумладан:													
		Картошка	Дуккакли экинлар	шундан:					Мойли экинлар	шундан:			Шоли	Озука экинлар	Бошқа экинлар
				мош	ловия	нўхот	ерёнгок	фасол		сой	кунгабокар	кунжут			
а	б	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29
1	Қорақалпоғистон Республикаси	20 772												27 696	42 697
2	Андижон	55 468	10 247	4 609	3 588			2 050	1 499		1 499			42 508	18 462
3	Бухоро	21 407	1 620	900	586	134			45	45				14 400	9 237
4	Жиззах	13 077	2 637	154	1 526		248	709						8 337	27 755
5	Қашқадарё	14 660	765		300	225	240		457		337	120		137 816	
6	Навоий	7 255	566	158	330	78								15 357	14 431
7	Наманган	38 056	4 049	2 268	1 392	33	356						5 240	10 474	3 930
8	Самарқанд	29 107	8 567	2 827	3 084			2 656						18 360	27 541
9	Сурхондарё	18 562	6 448	1 094	2 694		1 178	1 482	2 012		1 870	142		24 054	10 022
10	Сирдарё	21 687	4 015	743	1 322	340	371	1 239	838	66	708	64		13 286	7 084
11	Тошкент	26 300	1 804	180	574	418	29	603						30 819	28 309
12	Фарғона	70 435	11 952	2 689	4 781			4 482	2 374	240	2 134			65 739	14 513
13	Хоразм		235	112	123								56 726	58 236	4 713
Жами:		336 786	52 905,0	15 734	20 300	1 228	2 422	13 221	7 225	351	6 548	326	61 966	467 082	208 694

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил "30" январдаги 53 -сон қарорига
5-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2020 йилда деҳқон
хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида етиштириладиган қишлоқ
хўжалиги маҳсулотларини реализация қилишнинг прогноз
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

тонна

Т/Р	Худудлар номи	Жами ишлаб чиқариш	Шу жумладан ишлатилгани	
			Ўз истеъмоли ва ички бозорга	Экспортга*
1	Қорақалпоғистон Республикаси	566 947	547 097	19 850
2	Андижон	666 962	482 698	184 264
3	Бухоро	810 732	800 132	10 600
4	Жиззах	460 858	381 367	79 491
5	Қашқадарё	1 132 216	928 970	203 246
6	Навоий	266 473	220 087	46 386
7	Наманган	479 961	414 888	65 073
8	Самарканд	1 337 260	1 146 630	190 630
9	Сурхондарё	1 228 358	1 059 158	169 200
10	Сирдарё	278 911	237 234	41 677
11	Тошкент	723 523	610 559	112 964
12	Фарғона	990 972	757 684	233 288
13	Хоразм	558 747	479 870	78 877
Жами:		9 501 920	8 066 374	1 435 546

*) Экспорт тўқсонбости, эртаки ва ўртаки экинлар ҳосилидан амалга оширилади.

**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2020 йилда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида
кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун талаб этиладиган уруғлик, минерал ўғит
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Т/П	Худудлар номи	Жами экин ер майдони, гектар*	ЁММ		Минерал ўғит (соф ҳолда)		шундан: (соф ҳолда)						Уруғ		Жами харажатлар млн. сўм
			миқдори тонна	суммаси млн.сўм	миқдори тонна	суммаси млн.сўм	азотли		фосфорли, (NPK)		калийли		миқдори тонна	суммаси млн.сўм	
							миқдори (тонна)	суммаси (млн.сўм)	миқдори (тонна)	суммаси (млн.сўм)	миқдори (тонна)	суммаси (млн.сўм)			
а	б	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
1	Қорақалпоғистон Республикаси	38 958,4	2 338	12 625	8 182	58 007	4 675	29 004	2 338	25 437	1 169	3 565	6 233	26 181	96 813
2	Андижон	30 277,5	1 816	9 810	6 357	45 067	3 633	22 539	1 816	19 758	908	2 769	4 844	20 347	75 224
3	Бухоро	46 079,2	2 764	14 930	10 044	70 620	5 816	36 082	2 764	30 072	1 464	4 465	230	23 040	108 590
4	Жиззах	26 190,1	523	2 828	5 654	39 848	3 274	20 312	1 568	17 060	812	2 477	6 024	30 543	73 219
5	Қашқадарё	58 590,0	3 691	19 932	12 302	87 216	7 030	43 614	3 515	38 243	1 757	5 359	6 444	27 068	134 216
6	Навоний	11 528,8	691	3 735	2 419	17 150	1 383	8 580	691	7 518	345	1 052	1 844	7 748	28 633
7	Наманган	24 053,1	1 458	7 873	5 083	35 960	2 916	18 091	1 438	15 645	729	2 223	3 888	16 330	60 163
8	Самарқанд	62 138,6	3 728	20 133	13 048	92 503	7 456	46 257	3 728	40 561	1 864	5 685	9 942	41 758	154 394
9	Сурхондарё	45 739,6	2 588	13 978	9 283	66 158	5 177	32 118	2 748	29 898	1 358	4 142	6 903	28 992	109 128
10	Сирдарё	16 305,6	978	5 285	3 416	24 191	1 956	12 135	971	10 564	489	1 491	1 083	4 550	34 026
11	Тошкент	28 084,2	1 123	6 066	5 932	42 049	3 400	21 094	1 690	18 387	842	2 568	3 451	14 152	62 267
12	Фарғона	51 718,2	3 103	16 757	10 860	76 993	6 206	38 502	3 103	33 761	1 551	4 731	8 275	34 756	128 506
13	Хоразм	56 202,8	3 372	18 209	11 802	83 669	6 744	41 840	3 372	36 687	1 686	5 142	7 697	35 097	134 975
Жами:		495 866,1	28 173	152 161	104 382	739 432	59 666	370 168	29 742	323 593	14 974	45 671	66 858	308 562	1 200 155

*) Август-сентябрь ойларида экилган пиёз ва саримсоқ пиёз экиллари учун талаб этиладиган моддий-ресурслар ҳисобга олинмаган.

**2020 йилда ҳар бир деҳқон хўжалигида ва томорқа ер участкасида юқори даромад берадиган экспортбон
қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, моддий-техника ресурсларини етказиб бериш ва етиштирилган
маҳсулотларни сотиб олишни ташкил этиш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбир номи	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
I. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда аҳоли томорқалари ва деҳқон хўжалиқларининг экин майдонларига экспортбон экинлар экиш			
1.	Деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер участкаларига 2020 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, маҳсулотларни етиштириш ва реализация қилишнинг прогноз кўрсаткичлари юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман (шаҳар)лар ҳокимларнинг тегишли қарорларини қабул қилиш.	2020 йил 25 январгача	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши
2.	Деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер участкаларида 2020 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт ҳажмларини ошириш, ички бозорлардаги нарх-навои барқарорлигини сақлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туман (шаҳар)ларда мониторинг Штаблари ҳамда Ишчи гуруҳлари ташкил этиш. Ишчи гуруҳ томонидан экиш ойларида хонадонма-хонадон юриб томорқа ер участкалари майдонлари, тупроқ-иқлим шароити ва сув таъминотидан келиб чиқиб экин турлари, мевали дарахтлар тури ва сони, чорва моллари ва паррандалар сони, шунингдек, уларнинг йил давомида томорқа ер участкасида (эртаки, ўртаки ва тўқсонбости усулида) етиштириладиган маҳсулот турлари ва сотиш ҳажмлари ҳамда иссиқхона барпо этиш, чорва моллари ва парранда боқиш ҳолатларини ўрганиб бориш.	2020 йил 25 январь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Давлат солиқ кўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давергеодезкадастр кўмитаси, Туман (шаҳар)лар сектор раҳбарлари

Т/р	Тадбир номи	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
3.	<p>Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларини шудгорлаш, кишлоқ хўжалиги экинларини экиш, парваришлаш, озиклантириш, касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш, сугориш ва бошқа агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказилишини ташкил этиш ва мониторинг қилиб бориш.</p>	Мавсум давомида	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, “Ўзагрокимсҳимоя” АЖ, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши
4.	<p>Имконияти чекланган ва кам таъминланган томорқа ер эгалари, шунингдек, иш билан банд бўлмаган аҳоли рўйхатини шакллантириш ва уларни қўллаб-қуватлаш бўйича манзилли чораларни белгилаш.</p> <p>Томорқадан самарасиз фойдаланган томорқа ер эгалари ҳамда уларга кўмаклашувчи ташаббускор фермер хўжалиklarини аниқлаш ва кўмаклашувчи ташаббускор фермер хўжалиklarини бириктириш.</p>	2020 йил 15 февраль 2020 йил 1 февраль	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши
5.	<p>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва туман (шаҳар) ларда бюджетнинг ошириб бажарилган қисмидан имконияти чекланган ва кам таъминланган томорқа ер эгаларига кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун моддий ресурсларни “Томорқа хизмати” МЧЖлар орқали етказиб бериш.</p> <p>Шунингдек, ишсиз фуқароларга кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун энгил конструкцияли ҳосилдорлар ўрнатиш, уруғликлар, кўчатлар ва сугориш жиҳозларини харид қилиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 3 бараваридан 10 бараваригача “Томорқа хизмати” МЧЖлар орқали субсидиялар ажратиш.</p>	мавсум давомида	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ва ҳудудий молия бошқармалари, “Томорқа хизмати” МЧЖлари Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси
6.	<p>Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларининг томорқаларида экилган кишлоқ хўжалиги экинлари тўғрисидаги маълумотлар ҳисоб-китобини юритиш ҳамда экиш якуни бўйича Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига умумлаштириш учун тақдим этиш.</p>	ҳар чорак якунида	Вазирлик, идоралар ва ташкилотлар, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Республика маҳалла кенгаши

Т/р	Тадбир номи	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
7.	<p>Республика бўйича деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқалари ер участкаларига асосий ва такрорий экинлар экилишини таъминлаш.</p> <p>Агротехник тадбирларини ўтказиш экинларни ўз вақтида майдонларига экилиши, деҳқон ва аҳоли томорқаларидан унумли фойдаланиш бўйича мониторинг ўрнатиш.</p>	мавсум давомида	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши
8.	Деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқа ер участкаларида 2020 йилда мазкур қарор билан белгиланган прогноз кўрсаткичлардаги сабзавот, полиз, картошка, дуккакли ва мойли экинлар маҳсулотларини етиштиришни мониторинг қилиб бориш.	мавсум давомида	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши
9.	Томорқа еридан самарасиз фойдаланганлиги учун хонадон эгасига жорий йил учун ҳисобланган ер солигининг уч баробари миқдорини қўллаш амалиётини қўллаш.	2020 йил 1 март	Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, туман (шаҳар)лар ҳокимлари, 4 та сектор раҳбарлари
10.	Деҳқон хўжалиги ва 4 сотихдан кам бўлмаган томорқа ерида банд бўлган ёки ушбу участкада қорамол ёхуд 50 бошдан кам бўлмаган парранда парваришлаган жисмоний шахслар томонидан Молия вазирлиги хузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдорда ягона ижтимоий тўлов тўланган тақдирда, сугурта бадали тўлаган йил меҳнат стажига киритилиши тўғрисида ижтимоий роликлар тайёрлаб, оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини мунтазам олиб бориш.	2020 йил давомида	Молия вазирлиги хузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши

Т/р	Тадбир номи	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
II. “Томорқа хизмати” МЧЖлар моддий техника базасини мустаҳкамлаш орқали томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш			
11.	“Томорқа хизмати” МЧЖ орқали деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқа ер эгаларига асосий ҳамда такрорий экинларни экиш учун талаб этиладиган қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларини шартнома асосида етказиб бериш.	мавсум давомида	Уруғчиликни ривожлантириш маркази, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази, Картошка етиштирувчилар уюшмаси
12.	Деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқа ер участкаларида кафолатланган ҳосил етиштириш учун зарур бўлган ёнилги-мойлаш маҳсулотлари, кимёвий воситалар ҳамда минерал ўғитларни белгиланган тартибда етказиб бериш.	мавсум давомида	“Ўзбекнефтегаз” АЖ, “Ўзкимёсаноат” АЖ, “Ўзагрокимёхимоя” АЖ “Томорқа хизмати” МЧЖлар
13.	Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида 2020 йилда етиштириладиган экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортга чиқариш ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бориш.	ҳар чорак якуни билан	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари
14.	Белгиланган тартибда реестрга киритилган “Томорқа хизмати” МЧЖлар томонидан деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ҳудудий кенгашига ахборот бериб бориш.	ҳар чорак якуни билан	“Томорқа хизмати” МЧЖлар
15.	Деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқаларида экинлар экиш, уруғлик, кўчат ва бошқа зарур материаллар етказиб бериш, ихчам иссиқхоналар қуриш, сув таъминоти оғир маҳаллаларда сугориш кудуқларини қазииш учун имтиёзли кредитлар ажратиш.	2020 йил давомида	Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Кенгаш ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси
16.	Қува туманидаги “Томорқа ер участкаларини ривожлантириш илмий-амалий маркази” МЧЖга инновацион технологияларни жорий этиш, замонавий иссиқхоналар ташкил қилиш, интенсив боғлар барпо этиш ва инфратузилма объектларини реконструкция қилиш ҳамда “In-vitro” лабораторияси ташкил этиш.	2020 йил 1 апрель	Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

Т/р	Тадбир номи	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
17.	<p>Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги “Жомбой кўчатчиликни ривожлантириш маркази” МЧЖда замонавий томорқачилик маркази мажмуаси ташкил этиш учун маблаг ажратиш.</p> <p>Жомбой туманидаги “Улуғбек” ММТПда фойдаланилмаётган мулкларини “Жомбой кўчатчиликни ривожлантириш маркази” МЧЖ балансига ўтказиш ва улардан самарали фойдаланиш.</p> <p>“Жомбой кўчатчиликни ривожлантириш маркази” МЧЖ томонидан Хитой халқ Республикасидан мотокультиватор ва минитракторлар олиб келиш ва “Томорқа хизмати” МЧЖларга етказиб бериш.</p>	<p>2020 йил 1 июль</p> <p>2020 йил 15 февраль</p> <p>2020 йил давомида</p>	<p>Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Самарқанд вилояти ҳокимлиги</p> <p>Агробанк, Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги</p>
18.	<p>Янгийўл туманидаги “Янгийўл марказий томорқа хизмати” МЧЖда замонавий томорқачилик маркази мажмуаси учун ўқув ва ишлаб чиқариш биноси қуриш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.</p>	<p>2020 йил март</p>	<p>Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Тошкент вилояти ҳокимлиги</p>
<p>III. Аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш борасида олиб борилаётган ишларни автоматлаштириш ва кенг халқ оммаси орасида ёритиб бориш бўйича</p>			
19.	<p>Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида кишлоқ хўжалиги экинларини экиш ҳамда уларни парваришдада агротехник тадбирларни ўтказиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш, баҳорги ва такрорий экинлар экиш мавсумида жойларда кўргазмали ўқув семинарлари ташкил этиш.</p>	<p>2020 йил давомида</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази</p>
20.	<p>“Agroonline” электрон базасининг иккинчи босқичига ўтиш орқали деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқа ер майдонларига экинларни жойлаштириш ва экиш учун талаб этиладиган моддий ресурслар ҳисоб-китоби, етиштириладиган маҳсулотлар миқдори ҳамда ердан фойдаланиш ҳолати тўғрисидаги маълумотларни киритиб бориш.</p>	<p>2020 йил давомида</p>	<p>Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши</p>
21.	<p>Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши веб-сайтида онлайн маслаҳат рукни ва ҳудудлар кесимида деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида экилган экин турлари ва қутилаётган ҳосил прогноз кўрсаткичлари тўғрисида маълумотлар портални яратиш ва ишга тушириш.</p>	<p>2020 йил давомида</p>	<p>Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги</p>

Т/р	Тадбир номи	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
22.	<p>Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши нашри бўлган “Фермер ва томорқачи” газетасини молиявий қўллаб-қувватлаш ва ушбу газета орқали томорқачиликнинг илғор тажрибаларини кенг ёритиб бориш.</p> <p>Кенгаш ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси таъсисчилигида матбаа нашриёт, қишлоқ хўжалиги соҳасида эришилаётган ютуқларни кенг оммага ёритиш учун кино-видеосъемка медиа фаолияти, ҳудудларда мавжуд қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тўғрисида маълумотлар порталини юритиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг электрон савдоси, клиринг фаолияти билан шугулланувчи масъулияти чекланган жамият шаклидаги корхона ташкил этиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш.</p>	<p>2020 йил давомида</p> <p>2020 йил 1 июль</p>	<p>Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Матбуот ва ахборот агентлиги, “Фермер ва томорқачи” газетаси,</p>
23.	<p>Аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган ижтимоий роликлар тайёрлаш ва оммавий ахборот воситалари орқали бепул тарғибот-ташвиқот қилиш.</p>	<p>2020 йил давомида</p>	<p>Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши</p>
24.	<p>Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини илғор тажрибаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш мақсадида, махсус кўрсатувлар ташкил этиш, шунингдек, даврий матбуот нашрларида эълон қилиш.</p>	<p>2020 йил давомида</p>	<p>Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси</p>
25.	<p>Илғор деҳқон хўжаликлари раҳбарлари ва томорқа ер эгаларини аниқлаш ва уларни “Меҳнатқаш деҳқон”, “Намунали томорқачи” кўкрак нишонлари билан тақдирлаш.</p>	<p>2020 йил декабрь</p>	<p>Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари</p>

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “30” январдаги 53 - сон қарорига
8-илова

**“Томорқа хизмати” масъулияти чекланган жамиятларининг
реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом “Томорқа хизмати” масъулияти чекланган жамиятларининг (кейинги ўринларда “Томорқа хизмати” МЧЖлари деб аталади) реестрини шакллантириш ва юритиш тартибини белгилаб беради.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

“Томорқа хизмати” МЧЖлари – фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига қишлоқ хўжалиги барча фаолият турларини ривожлантириш учун зарур моддий ресурсларни етказиб бериш, шунингдек, иссиқхоналар қуриб бериш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга қайта ишлаш, сақлаш, реализация қилиш ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъект;

“Томорқа хизмати” МЧЖлари реестри (кейинги ўринларда Реестр деб аталади) – “Томорқа хизмати” МЧЖларининг тизимлаштирилган рўйхати ва улар ҳақидаги маълумотлардан иборат ягона маълумотлар базаси.

3. Реестрга Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига аъзо бўлган “Томорқа хизмати” МЧЖлари киритилади.

4. Реестрнинг шакли ва мазмуни Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) томонидан тасдиқланади.

5. “Томорқа хизмати” МЧЖни Реестрга киритиш ушбу Низомнинг 1-илласига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Реестрини шакллантириш тартиби

6. “Томорқа хизмати” МЧЖлари реестрини шакллантириш ва юритиш Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ҳудудий кенгашлари (кейинги ўринларда ҳудудий кенгаши деб аталади) томонидан Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгашлари (кейинги ўринларда туман кенгаши деб аталади) билан бىргаликда амалга оширилади.

“Томорқа хизмати” МЧЖларини Реестрга киритиш ва уларга реестр рақамини бериш ҳудудий кенгаш томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) Реестрга киритилган “Томорқа хизмати” МЧЖлар бўйича электрон базага маълумотлар келиб тушишини назорат қилади, услубий ва ташкилий раҳбарликни амалга оширади, Реестрга киритилган “Томорқа хизмати” МЧЖлари ҳисобини юритади, уларнинг ҳолати ва салоҳияти тўғрисидаги маълумотларни тизимли равишда таҳлил қилиб боради.

7. Реестрни шакллантириш ва юритиш туман кенгашлари томонидан тақдим этиладиган материаллар асосида ҳудудий кенгаш томонидан амалга оширилади.

8. Реестрга киритиш юзасидан ушбу Низомнинг 3-илоvasида келтирилган талабларга жавоб берадиган “Томорқа хизмати” МЧЖлари туман кенгашига ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича ариза билан қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда мурожаат қилади:

“Томорқа хизмати” МЧЖнинг устави нусхаси;

“Томорқа хизмати” МЧЖнинг асосий воситалари (ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар) тўғрисида маълумот, уларга бўлган мулкый ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари.

9. Ҳужжатлар “Томорқа хизмати” МЧЖлари томонидан ўзи рўйхатдан ўтказилган жой бўйича тегишли туман кенгашига бевосита, почта орқали ёки электрон шаклда туман кенгашининг электрон почта манзилига тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар “Томорқа хизмати” МЧЖнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

10. Туман кенгаши Реестрга киритилиши зарур бўлган ҳужжатларни, шунингдек, ваколатли давлат органлардан бошқа маълумотларни мустақил равишда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзаро маълумот ахборот алмашинуви орқали, шу жумладан, электрон шаклда олади.

“Томорқа хизмати” МЧЖларидан ушбу Низомда назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

11. Ҳужжатлар туман кенгаши ходими томонидан қабул қилинади, нусхаси эса мурожаат қилувчига улар қабул қилиб олинган санани кўрсатган ҳолда юборилади (топширилади). Ҳужжатлар электрон шаклда тақдим этилган тақдирда, мурожаат қилувчига электрон алоқа воситалари орқали тегишли жавоб юборилади.

12. “Томорқа хизмати” МЧЖ томонидан тақдим ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ва (ёки) “Томорқа хизмати” МЧЖ ушбу Низомга 3-иловада белгиланган талабларга жавоб бермаган тақдирда туман кенгаши ушбу тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқишни рад этиш ҳуқуқига эга.

Тақдим этилган ҳужжатларни рад қилингани тўғрисидаги билдиришнома “Томорқа хизмати” МЧЖга икки кун муддатда рад этиши сабабларини асослантирган ҳолда юборилади (топширилади) ҳамда унинг бир нусхаси ҳудудий кенгашга маълумот учун тақдим этилади.

“Томорқа хизмати” МЧЖ аризасини кўриб чиқишни бошқа сабабларга кўра рад этишга йўл қўйилмайди.

13. Туман кенгаши томонидан қайтарилган ҳужжатлар “Томорқа хизмати” МЧЖ кўрсатилган камчиликларни бартараф этган ҳолда туман кенгашига такроран тақдим этилиши мумкин.

14. “Томорқа хизмати” МЧЖ туман кенгаши томонидан аризани кўриб чиқишни рад этилганлиги юзасидан ҳудудий кенгашга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

15. Туман кенгаши “Томорқа хизмати” МЧЖ томонидан тақдим этилган ҳужжатларини икки иш кунида кўриб чиқади ва икки иш кунидан кечиктирмай Реестрга киритиш масаласини ҳал этиш учун ҳудудий кенгашга тақдим этади.

16. Худудий кенгаш Туман кенгаши томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади, уларда кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигини текширади, зарур ҳолларда, статистика ва солиқ органларидан тегишли маълумотларни сўраб олади.

17. Худудий кенгаш тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича уч иш куни ичида “Томорқа хизмати” МЧЖни Реестрга киритиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

18. “Томорқа хизмати” МЧЖнинг тақдим этилган ҳужжатлари мазкур Низом талабларига мос эмаслиги худудий кенгаш томонидан Реестрга киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинишига асос ҳисобланади.

19. Реестрга киритишни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган вақтдан эътиборан уч иш куни ичида худудий кенгаш “Томорқа хизмати” МЧЖга рад этиш сабаблари асосланган ёзма билдиришнома юборади.

20. Реестрга киритиш рад этилишига асос бўлган сабаблар “Томорқа хизмати” МЧЖ томонидан бартараф этилган тақдирда, ҳужжатлар туман кенгашига ушбу Низомда белгиланган тартибда такроран кўриб чиқиш киритилиши мумкин.

21. “Томорқа хизмати” МЧЖлари томонидан Реестрга киритиш учун тақдим қилинган ҳужжатлар қандай қарор қабул қилинишидан катъи назар худудий кенгаш архивида ўн йил давомида сақланади.

2-боб. Реестрнинг юритиш тартиби

22. Реестрда “Томорқа хизмати” МЧЖ тўғрисида қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

“Томорқа хизмати” МЧЖнинг номи;

солиқ тўловчининг идентификацион рақами;

корхоналарнинг умумий таснифланиш коди;

маъмурий-худудий мансублигини аниқлаш коди;

“Томорқа хизмати” МЧЖни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва устави нусхаси;

“Томорқа хизмати” МЧЖ жойлашган жой;

ишлаб турган ўз асосий воситалари рўйхати (ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмларга бўлган мулк ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари);

алоқа воситалари (телефон, факс, электрон почта манзили).

23. Реестр вилоят ва туманлар бўйича электрон маълумотлар базаси шаклида Кенгашнинг расмий веб-сайтида жойлаштириш орқали юритилади.

24. “Томорқа хизмати” МЧЖларининг Реестри йилининг ҳар чорагида янгиланган бўрилади.

25. Реестрга киритилган маълумотларда ўзгаришлар бўлган тақдирда “Томорқа хизмати” МЧЖлари тўғрисида туман кенгашини ўн кун муддат ичида хабардор этиши лозим.

26. Реестрга киритилган маълумотлар очик ҳисобланади, “Томорқа хизмати” МЧЖларининг молиявий кўрсаткичлари бундаи мустасно.

27. Реестрнинг архив нусхаси қоғоз вариантда ва ягона электрон вариантда яқунланган йилнинг 31 декабрь ҳолатига ҳар йили 10 январга қадар шакллантирилади, ҳудудий кенгаш томонидан тасдиқланади ва ўн йил давомида ҳудудий кенгашнинг идоравий архивида электрон шаклда сақланади.

4-боб. “Томорқа хизмати” МЧЖни реестрдан чиқариш тартиби

28. “Томорқа хизмати” МЧЖ қуйидаги ҳолларда Реестрдан чиқарилади:

туман кенгашига Реестрдан ихтиёрий чиқиб тўғрисида ариза берилиши;

“Томорқа хизмати” МЧЖларининг фаолияти тугатилиши;

мазкур Низомнинг 37-бандида белгиланган талаблар бажарилмаслиги;

“Томорқа хизмати” МЧЖлари томонидан ушбу Низомда белгиланган талаблар бузилганда.

29. “Томорқа хизмати” МЧЖлари Реестрга киритилган куйдан бошлаб узоғи билан бир йил ичида мазкур Низомнинг 3-иловасида келтирилган талабларга жавоб бериши лозим.

30. “Томорқа хизмати” МЧЖ ҳудудий кенгаш қарорига асосан Реестрдан чиқарилади ва бу тўғрисида икки кун ичида Реестрга тегишли тузатиш киритилади.

6-боб. Яқунловчи қондалар

31. “Томорқа хизмати” МЧЖлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 26 апрелдаги ПҚ–3680-сон қарорида белгиланган фоиз ставкасида Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредит олиш ҳуқуқига эга.

32. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

“Томорқа хизмати” масъулияти чекланган
жамиятларининг реестрини шакллантириш
ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

“Томорқа хизмати” МЧЖларини Реестрга киритиш
СХЕМАСИ

Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
“Томорқа хизмати” МЧЖлари	<ol style="list-style-type: none">1. Реестрга кириш учун ушбу Низомда келтирилган талабларга мувофиқ хужжатларни тайёрлаш.2. Хужжатларни ўзи рўйхатдан ўтказилган жой бўйича тегишли туман кенгашга бевосита, почта орқали ёки электрон шаклда туман кенгашининг электрон ёки ночта манзилига олинганлиги тўғрисида хабардор қилиш шarti билан тақдим этиш.	Ариза берувчининг хоҳишига кўра
Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгаши	<ol style="list-style-type: none">1. Хужжатларни қабул қилинган санаси кўрсатган ҳолда қабул қилиш.2. Тақдим этилган маълумотлар ишончлилигини текшириш.3. Ариза берувчи – “Томорқа хизмати” МЧЖларининг хужжатларини фермер деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ҳудудий кенгашига юбориш учун тайёрлаш ёхуд кўриб чиқишни рад этиш.4. Тақдим этилган хужжатларни фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ҳудудий кенгашига юбориш.	Хужжатлар қабул қилинган кундан бошлаб икки кун ичида
Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ҳудудий кенгаши	<ol style="list-style-type: none">1. Келиб тушган хужжатларни кўриб чиқиш.2. “Томорқа хизмати” МЧЖларини Реестрга киритиш ёки киритилишини рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш.3. Реестрга киритилганлиги ёки Реестрга киритиш рад этилганлиги тўғрисидаги қарор билдиришнома нусхасини “Томорқа хизмати” МЧЖларига юбориш.	Хужжатлар келиб тушган кундан бошлаб уч кун ичида
Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши	“Томорқа хизмати” МЧЖларини Реестрга киритиш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилиши натижаси юзасидан маълумотларини Кенгашнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш.	Хужжатлар келиб тушган кундан бошлаб уч кун ичида

“Томорқа хизмати” масъулияти чекланган
жамиятларининг реестрини шакллантириш
ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари
ва томорқа ер эгалари Кенгашига

АРИЗА

1. Сиздан “_____ Томорқа хизмати” масъулияти чекланган жамияти
Реестрига киритишингизни сўраймиз.

_____ (ариза берувчи жамиятнинг тўлиқ номи)

_____ (қойилган ер (почта манзили))

КТУТ коди _____

ХХТУТ коди _____

ТҲШТ коди _____

МШТ коди _____

ДБИБТ коди _____

МҲОБТ коди _____

СТИР _____

Телефон (уяли, шаҳар), факс, электрон почта манзили

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____

Директор (раҳбар)

_____ (имзо)

“ ” _____ 20__ й.

“Томорқа хизмати” масъулияти чекланган жамиятларининг реестрини
шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

**Реестрга киритиш учун “Томорқа хизмати” МЧЖларига қўйиладиган
ТАЛАБЛАР**

№	Кўрсаткичлар	Талаб	№	Кўрсаткичлар	Талаб
“Томорқа хизмати” МЧЖлари реестрига киритиш сапасигача			“Томорқа хизмати” МЧЖлари реестрига киритилган санадан 1 йилдан кейин		
1	Мотокультиватор (мотоблок)	2 дона	1	Мотокультиватор (мотоблок)	4 дона
2	Трактор ёки мини трактор	1 дона	2	Трактор ёки мини трактор	2 дона
3	Юк сақлаш омборхонаси (усти ёпиқ бостирма)	50 тонна	3	Юк сақлаш омборхонаси (усти ёпиқ бостирма)	200 тонна
4	Дорипуркагичли ускуна	2 дона	4	Дорипуркагичли ускуна	5 дона
5	Хонадонга хизмат кўрсатиш учун шартномалар	хар йили 2 минг хонадонга	5	Хонадонга хизмат кўрсатиш учун шартномалар	хар йили 5 минг хонадонга
6	Устав капитали миқдори	базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баровари	6	Устав капитали миқдори	базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 баровари
			7	Кўчат ва сабзавот уруғлари сотиш дўкони	
			8	Ўсимликлар клиникаси дўкони*	
			9	Юк сақлашга мўлжалланган музлатгичли омборхона*	
			10	Кўчат етиштиришга ихтисослашган иссиқхона	
			11	Парранда, қуён сақлаб туриш хонаси*	
			12	Чорва сақлаб туриш молхонаси*	

*) Бино ва иншоотлардан ижара муносабатлари асосида фойдаланилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил "30" январдаги 53 -сон қарорига
9-илова

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан фермер, деҳқон хўжаликларига, томорқа ер эгаларига ва "Томорқа хизмати" МЧЖларига қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ҳамда сугориш қудуқлари қазини ишларига маблағ ажратини таклифи

млн сўм

№	Худудлар номи	Жамғармадан ажратиладиган маблағлар, жами*	шундан:	
			Экин экиш, ихчам иссиқхона қуриш, паррандачилик, чорвачилик ва бошқа йўналдишлар учун	Сув таъминоти оғир жойларда сугориш қудуқлари қазини учун
1	Қорақалпоғистон Республикаси	3 980,8	3 500,0	480,8
2	Андижон	5 988,5	5 700,0	288,5
3	Бухоро	5 807,7	3 500,0	2 307,7
4	Жиззах	4 076,9	3 500,0	576,9
5	Қашқадарё	6 530,8	4 800,0	1 730,8
6	Навоний	4 461,8	3 500,0	961,8
7	Наманган	6 615,0	5 200,0	1 415,0
8	Самарқанд	7 403,8	5 000,0	2 403,8
9	Сирдарё	4 365,4	3 500,0	865,4
10	Сурхондарё	8 007,7	5 700,0	2 307,7
11	Тошкент	6 038,5	4 500,0	1 538,5
12	Фарғона	6 565,4	5 700,0	865,4
13	Хоразм	5 557,4	4 500,0	1 057,4
Жами:		75 399,7	58 600,0	16 799,7



*) Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг даромадларидан келиб чиқиб, ажратиладиган маблағлар кўпайтирилиши ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва вилоят ҳокимликларининг таклифига асосан мазкур тақсимотга ўзгартириши киритилиши мумкин.